



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 21 май, № 98 (8721)

Сешанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



БАНКЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ФАОЛИЯТИ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИДАГИ ИШТИРОКИ Кўриб чиқилди

Президент Шавкат Мирзиёев 20 май куни хорижий инвестицияларни жалб қилишда банкларнинг иштирокига оид тақдимот билан танишди.

Мамлакатимиздаги қулай инвестиция муҳити натижасида банкларнинг молиявий барқарорлиги ва фаоллиги ортиб бормоқда. Хусусан, соҳадаги ислохотлар тўғрисида 5 йилда банкларнинг капитали 2 баробар, кредит портфели 2,3 баробар ҳамда йиллик кредит ажратиш ҳажми 1,8 баробарга кўпайди.

Замон талабидан келиб чиқиб бу ишларни янада кенгайтириш ва лойиҳаларни сифатли амалга ошириш зарур. Тақдимотда “Ўзмиллибанк” ҳамда «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг шу борадаги фаолияти ҳақида ахборот берилди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» бу йил халқаро молия бозорларидан 3 миллиард 100 миллион долларлик маблағ жалб этишни мақсад қилган. Банк мижозлари билан умумий қиймати 4 миллиард 800 миллион долларлик инвестиция лойиҳаларига қиршилган.

қўмақлашмоқда. Яна бир муҳим жиҳати, банклар қўйи бўғинга тушиб ишлаётгани учун кўплаб бизнес тузилмалар «соя»дан чиқмоқда.

КУН ТАРТИБИДА — ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содик Сафоевнинг Халқаро Қизил Хоч қўмитасининг Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Адриан Бауэр билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот

Учрашувда Ўзбекистон ва Халқаро Қизил Хоч қўмитаси ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболли йўналишлари муҳокама қилинди.

ладан, унинг мақоми қўнунчиликда мустақамлаш, жамият 100 йиллигига бағишланган тадбирлар ўтказишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

Қонунчилик палатаси Кенгашида

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Кенгаш аъзолари томонидан қўйи палата фаолиятига оид бир қатор масалалар муҳокама қилинди.

Дастлаб Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибидан ўрин олган масалалар атрофида кўриб чиқилиб, кун тартиби лойиҳаси тасдиқланди.

га уларнинг ўз сайлов округларидаги аҳоли томонидан кўтарилаётган масалаларни ҳал этишдаги ролини ошириш, «маҳалла еттичилиги» билан ҳамкорлигини янада яхшилаш бўйича яқиндан кўмақлашилди.

Ийгилишда, шунингдек, қўйи палата депутатлари томонидан ҳудудларда аҳоли билан ўтказилган учрашувлар якунлари юзасидан ахборот берилди.

Кенгаш йиғилишида депутатларнинг фракциялари ўрғанишлари довомида аҳоли вакиллари ва жамоатчилик томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар фаол қўллаб-қувватланаётгани қайд этилди.

Учрашувларда «Ўзбекистон — 2030» стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳияти жамоатчиликка етказилди.

Депутатларнинг жойларда ўтказган учрашувлари ва мулоқотлари якунларини сиёсий партиялар фракциялари мажлисларида соҳа вакиллари иштирокида ҳар томонлама муҳокама қилиш, кўтарилган асосли тақлифлар, фикр-мулоҳазаларни кўриб чиқиш ҳамда уларни манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари билан биргаликда ҳал этиш чораларини кўриш вазифаси белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИДА КИНОНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁС

Кейинги йилларда жамиятда халқимиз, аввало, ёшлар онгига умумбашарий қадриятларга ҳурмат, она Ватанга муҳаббат туйғуларини сингдиришда катта таъсир кучига эга бўлган кино санъатининг ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Акс садо

Хусусан, кинематография соҳасининг халқимиз ҳаётидаги, айниқса, ёшлар тарбиясидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, гоёвий-бадий савиясини ошириш, уни ҳозирги замон талаблари асосида янада такомиллаштиришга қаратилган салмоқли ишлар бажарилди. Утган даврда соҳанинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон — Малайзия: МУНОСАБАТЛАРДА ЯНГИ САҲИФА

Президент Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимнинг 17 — 19 май кунлари Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифи ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги икки томонлама музокаралар якунлари хорижий ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлил доира вакиллари томонидан юқори баҳоланаётир.

Дунё нигоҳи

Мазкур сиёсий воқеа якунларини шарҳлаётган ахборот манбаи таъкидлаш баробарида Ўзбекистон — Малайзия муносабатлари ривожига янги қадам сифатида эътибор этмоқда. Малайзия Бош вазирининг Самарқандга ташрифи чоғида

ўтказилган икки томонлама бизнес форуми якунлари шундан далолат беради. Ташриф якунлари ўзаро алоқаларни мутлақо янги bosқичга олиб чиқишга, шунингдек, Ўзбекистон ва Малайзияни ўз минтақаларидаги ролини сезиларли даражада оширишга хизмат қилади.

Нур Жазлан МУҲАММАД, Малайзия Парламенти Сенати раиси

— Ушбу тарихий ташриф натижаларини юқори баҳолайман. Менимча, бу глобал сиёсатда, айниқса, ислом дунёсида тобора фаол роль ўйнаётган айти давлатлар ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада мустақамлайди.

Президенти ва Малайзия Бош вазирининг ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги bosқичга олиб чиқиш истигини намойиш этади. Айтиш мумкинки, икки томонлама муносабатлар тарихида янги саҳифа кўз ўнгимизда ёзилмоқда. Мамлакатлар етакчилари «халол» стандартлари бўйича ҳамкорлик, банк-молия ва озиқ-овқат саноати билан бир қаторда шерикликнинг бир қатор янги истикболли йўналишлари, хусусан, рақамлаштириш, «яшил» энергия, сунъий интеллект ва бошқа йўналишларда алоқаларни мустақамлаш устувор вазифа сифатида кўриб чиқилгани қувонarli, албатта.

ЎзА.

Фракцияларда

ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ — МУҲОКАМАЛАР МАРКАЗИДА

Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қўйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор масалалар, чунончи, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш, бандликни таъминлаш, аҳоли эҳтиёжманд қатламни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга оид қонун лойиҳалари атрофида кўриб чиқилди. Депутатлар муҳокамадаги масалаларнинг долзарблиги, заруратидан келиб чиқиб, уларни қўллаб-қувватлади.

Муҳим ташаббус ва тақлифлар илгари сурилди

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб Малайзия Бош вазири Анвар

Иброҳимнинг мамлакатимизга расмий ташрифининг аҳамияти эътибор марказида бўлди. ҲўзЛиДеп фракцияси раҳбари Ақтам Ҳайитовнинг таъкидлашича, Ўзбекистон — Малайзия ҳамкорлиги кўп асрлик дўстлик ва ўзаро ишончга асосланади. Айтиш мумкинки, Малайзия капитал иштирокидаги 33 та корхона фаолият кўрсатаяпти. Утган йил якуни



бўйича эса товар айирбошлаш ҳажми икки баравардан зиёдга ўсди. Мазкур ташриф икки давлат ҳамкорлигини сиёсат, ҳавфсизлик, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт, атроф-муҳити муҳофазаси қилиш, таълим, инновациялар, маданият ва халқ дипломатияси соҳаларида сезиларли даражада фаоллаштиришга хизмат қилиши, шўбҳасиз.

«Халқ сўзи».

ЖАҲОНГА ГУЛ ТУТАР БУГУН НАМАНГАН



Ҳар баҳорнинг май ойига келиб наманганликлар анъанавий гуллар фестивалини ўзгача завқ-шавқ билан нишонлайди. Бу йил олтинчи учинчи бор ўтказилаётган ушбу анжуман Наманган шаҳрининг истироҳат боғлари, кўча ва хиёбонларига ўтказилган 45 миллион тупдан зиёд турфа гул кучатларидан ороланган ҳолда гўзаллик шайдоларига яна бағрини очди.

19 май куни тонгданоқ фестивалнинг асосий манзили — Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғининг марказий дарвозаси олдидаги майдон анжуман очилишини иштиёқ билан кутаётган юз минглаб гўзаллик шайдолари билан лиқ тўлди. Фестивалга одатдагидек гуллардан нақшинкор тус олган 200 дан зиёд автомашиналар карвони билан старт берилди. Улар орасида ретро автоуловлардан тортиб мамлакатимизда ишлаб чиқарилган энг сўнгги русумдаги автомобиллар, қишлоқ ҳўжалиги соҳаси ва бошқа ихтисослаштирилган транспорт воситаларини кўриш мумкин.



Фестиваль

Анжуманнинг тантанали очилиш маросимида Наманган вилояти ҳокими Шавкат Абдуразоқов вилоят аҳли ва меҳмонларини қизгин табриклар экан, йилдан-йилга тароват касб этаётган гуллар байрами Наманганнинг ўзига

хос брендига айланганини эътироф этади. Шунинг баробарида гуллар орқали инсонларнинг бир-бирига меҳру муҳаббатини, оқибатини мустақамлаш, ёшларнинг гўзалликка, яратувчанликка, касб-ҳўнарга бўлган иштиёқи,

таълим-тарбиясини ошириш асосий вазифа эканлигини таъкидлади. Шундан сўнг байрам иштирокчилари фестивалнинг асосий манзили — Бобур номидаги боғда ҳаваскор гулчилар ва меҳнат жамоалари боғбонлари томонидан яратилган юздан зиёд тематик кўргазмалар билан яқиндан танишди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Эллик иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



Шунингдек, қонунга истеъмолчини тегишли энергия ресурслари тармоқларидан узилганини тасдиқловчи ҳужжатнинг кўчирма нусхалари ҳам берилиши билан боғлиқ норма киритилмоқда.

Қардор жисмоний шахслардан почта харажатлари учун мажбурий тўловларни ундириш тўғрисидаги суд ҳужжатларига нисбатан ҳам таъбиқ этилиши ижро иши юритилишида соддалаштирилган тартиб этиб белгиланмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, киритилаётган қўшимча ва ўзгаришлар суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ўз вақтида ижросини таъминлашга, қолаверса, истеъмол қилинган ёқилғи-энергия ресурслари учун қарздорликни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлисда "Баҳолаш фаолияти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгариш киритиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Қайд этилишича, сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳусусий мулк дахлсизлиги ва мол-мулкнинг ҳақиқий бозор баҳосини шакллантириш ва унинг ишончилигини таъминлаш юзасидан қатор тизимли чоралар кўрилмоқда.

Мажлисда таъкидланганидек, бугунги кунда амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ баҳолаш фаолиятига оид айрим муаммолар сақланиб қолмоқда.

Хусусан, суд экспертлари ва баҳоловчи ташкилотлар учун умумий баҳолаш қоидалари ва тартиблари белги-ланмаган.

Натижада соҳани такомиллаштириш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш зарурати юзага келган.

Жумладан, "Баҳолаш фаолияти тўғрисида"ги Қонунга киритилаётган ўзгаришларга мувофиқ баҳоловчи, назорат этувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказилган текширишларда ва бошқа тадбирларда фақат баҳоловчи ташкилот ҳамда ушбу органлар ўртасида тузилган шартнома асосида эксперт сифатида ҳам иштирок этиши мумкин.

"Суд экспертизаси тўғрисида"ги Қонунга киритилаётган қўшимчаларга асосан камида уч йил иш стажига эга бўлган суд экспертлари баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларда қўлланган усулларнинг илмий жиҳатдан асосланганлиги нуктаи назардан суд экспертизасини ўтказиши мумкин бўлади.

Суд экспертизани текширишларни ўтказишда унинг ҳулосасига нисбатан белгиланган талабларга, шунингдек, тегишли соҳадаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этиш буйича мажбурияти назарда тутилмоқда.

Киритилаётган қўшимчалар ва ўзгариш баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ишончилигини текшириш чоғида муаммоларни бартараф этишга, фуқароларнинг ортиқча харажатларини камайтиришга, шунингдек, республика-мизда мол-мулкнинг ҳақиқий қиймати-ни аниқлашга доир ягона ёндашуви жорий этишга хизмат қилиши сенаторлар томонидан қайд этилди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг "Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг фаолияти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун муҳокама қилинди.

Муҳокама марказида бўлган қонун билан "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги ҳамда "Рақобат тўғриси-

да"ги қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

2023 йилда Рақобат қўмитаси вазирлик ва идоралар томонидан ишлаб чиқилган товар ва молия бозорларидаги рақобат масалаларига оид 614 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг 142 тасида давлат ёрдами, яъни ҳўжалик юритувчи субъектларга солиқ ва боғжона имтиёзлари, субсидиялар, грантлар, давлат кафолатлари каби имтиёзлар беришчи нормаларни аниқлаган.

Бундан ташқари, Рақобат қўмитаси томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлиги ўрганилганда 717 та қонун бузилиши ҳолати аниқланган.

Шу боис "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунга давлат ёрдами берилишини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси аниқлишини назарда тутувчи ўзгаришлар киритилмоқда.

Шунингдек, ушбу қонун билан "Рақобат тўғрисида"ги Қонунга ўзгариш киритилиб, унга мувофиқ қонунчиликни бузганлик учун молиявий санкция қўллашда ҳўжалик юритувчи субъектларга нисбатан енглик беришмоқда.

Жумладан, иқтисодий жиҳатдан паст таъсир даражасига эга бўлган рақобат тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишини биринчи марта содир этган ҳўжалик юритувчи субъектга бундай ҳуқуқбузарликнинг такроран содир этилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантириш берилиши ва унга нисбатан молиявий санкциялар қўлланилмаслиги белгиланмоқда.

Муҳокамада жараёнида таъкидланганидек, ушбу қонун рақобат соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро мувофиқлаштирилиши, товар ва молия бозорига соғлом рақобат муҳитининг таъминланишига ҳамда тадбиркорлик субъектларига нисбатан чоралар кўрилишига адолатнинг қарор топишига хизмат қилади.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, ялпи мажлисда "Давлат мулкни ижарага бериш соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик қўйиштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун кўриб чиқилди.

Бугунги кунда амалда давлат мулкидан самарали фойдаланилмаслик ва уни ижарага бериш тартибини бузиш билан боғлиқ қонунбузарлик ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, давлат мулкни ижарага бериш соҳасидаги қонунчилик бузилишларининг олдини олишга қаратилган чораларни такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Шу боис сенаторлар томонидан муҳокама қилинган қонун билан давлат мулкни ижарага бериш соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимча модда киритилиб, унга қўра давлат мулкни белгиланган тартибда ижара шартномаси тузмасдан ижарага бериш, ижара олувчига ижарага берилган давлат мулкни қабул қилиб олиши, унинг ҳудудига кириши ва фойдаланишига асосис равишда тўққизлик қилиш ёки ижара шартномасида ижарага берилган мулкнинг параметрлари ва сонини камайтириб кўрсатган ҳолда ижарага базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача даражада жазима солинишига асос бўлади.

Ушбу ҳуқуқбузарлик бир йил ичида қайта содир этилса, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш

бараваригача даражада жазима солинишга сабаб бўлиши белгиланмоқда.

Сенаторлар ушбу қонун давлат мулкидан самарали фойдаланилишини, ижарага олувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончи ҳимоя этилишини таъминлашга хизмат қилишини таъкидладилар.

Муҳокама якунида мазкур қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра "Спорт соҳасида коррупциянинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун муҳокама қилинди.

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда спортни омаллаштириш, спорт турларини янада ривожлантириш ва спорт инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда мазкур соҳадаги қонун ҳужжатларига спортда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган янги нормаларни киритиш зарурати юзага келмоқда.

Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларнинг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олганлиги ёки мулкий манфаатдор бўлганлиги, шунингдек, спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларини жарамага асасида қўриқиб олишга қўшимчалар киритилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонун миллий қонунчилигимизни замонавий ҳалқаро стандартлар ва илгор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда такомиллаштиришга, коррупцияга нисбатан муросаси муносабати шакллантиришга, спорт соҳасидаги жиноятларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқарраллигини таъминлашга, шунингдек, республикамизнинг ҳалқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шу билан бирга, сенаторлар томонидан "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жамиятимизнинг барча қатламига кириб бормоқда. Қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Инсон қадрини устуворлиги, инсонпарварлик ва адолатпарварлик ислохотларимизнинг бош ғоясига айланб улгурди.

Конституциявий ислохотлар натижа-сида маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати хурмат қилинишига эришиш борасида ҳам чоралар кўрилмоқда.

Жумладан, Жиноят-ижроия кодексига киритилаётган ўзгаришлар ва қўшимчаларга мувофиқ маҳкумларнинг ўзига нисбатан инсоний муомалада бўлини-ши, шаъни ва қадр-қиммати хурмат қилиниши, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига (омбудсман-га), Бола ҳуқуқлари бўйича вакилига (Болалар омбудсманига) ҳамда инсон-нинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этувчи ҳалқаро ташкилотларга мурожаат қилишга бўлган ҳуқуқларини мустаҳкамланмоқда.

Қолаверса, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган маҳкумларнинг сайловларда ҳамда референдумда иштирок этишга бўлган ҳуқуқи кафолатланмоқда.

Ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, бундай маҳкумларнинг инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимояловчи ҳалқаро ташкилотларга мурожаат қилиш ҳуқуқи қайд этилмоқда.

Шунингдек, агар оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган маҳкумлар тегишли сайловларда ҳамда референдумда иштирок этиш ҳуқуқидан қонунга мувофиқ ва суднинг ҳукми асосида маҳрум қилинган бўлмаса, улар ушбу сайловларда ва референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиши белгиланмоқда.

Маҳкумларнинг ўзига нисбатан инсоний муомалада бўлиниши ҳуқуқи мустаҳкамланмоқда.

Хусусан, киритилаётган қўшимчаларга қўра маҳкумлар ўзига нисбатан инсон шахсига хос бўлган шаъни ва қадр-қиммати хурмат қилиниши ҳуқуқига эгадир.

Жазони ижро этиш муассасаларининг ходимлари маҳкумларга нисбатан инсоний муомалада бўлиши шарт, маҳкумларга нисбатан инсоний жазо чоралари ва бошқа мажбурият чораларини қўллашда Кодексда белгиланган асослардан ҳамда тартибдан четга чиқиб қўйилмайди.

Маҳкумларда уларнинг розилигисиз тиббий ва илмий тажриблар ўткази-лиши мумкин эмаслиги қатъий белги-ланмоқда.

Бундан ташқари, маҳкумларнинг Омбудсманга ҳамда Болалар омбудс-манига мурожаатлар қутиси орқали мурожаат этилиши, мурожаат қилиш қути-ларининг ўрнатилиши, очилиши, фой-даланиши, шунингдек, мурожаатларни юбориш тартиби янги нормада ўз ифо-дасини топмоқда.

Муҳокама давомида сенаторлар қонун қабул қилиниши натижа-сида маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний ман-фаатлари янада ишончи ҳимоя этили-шига, жиноят-ижроия қонунчилигини ҳалқаро ҳуқуқнинг принциплари ва нормалари билан уйғунлаштириши таъминлашга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, ялпи мажлисда "Қурул тўғрисидаги қонунчилик такомиллашти-рилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 220'-модда-сига қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун муҳокама қилинди.

Маълумки, мамлакатимизда қурул ва унинг ўқ-дорилари муомаласи билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш мақсадида "Қурул тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди, шунингдек, қурулнинг қонунга хилоф муомаласининг олдини олиш механизмини такомиллаштириш юзасидан тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ўзининг қонунга хилоф эгаллигида бўлган ўқтар қурулни ўз ихтиёри билан топширган шахслар-нинг жавобгарликдан озод этиш тўғри-сида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига мустаҳкамлаб қўйил-ган қоида шахслар бошқа турдаги қурулни ўз ихтиёри билан топширган-да уларни жавобгарликдан озод қилиш муаммосини ҳал этмайди.

Мисол учун фақатгина 2023 йилда ички ишлар органлари ходимлари то-монидан 1072 донга ноқонуний (ички ишлар органлари рўйхатига қўйилма-ган) қуруллар аниқланиб, 839 нафар фуқаро Маъмурий жавобгарлик тўғри-сидаги кодексининг 220'-моддаси асо-сида жавобгарликка тортилган.

Бундан ташқари, 2023 йилда тегиш-ли рухсатномаларсиз сақлаётган пнев-матик қурулни ихтиёрий топшириш бўйича ички ишлар органларига 1599 нафар фуқаро мурожаат этган.

Бироқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан олиб борилаётган профилактик ишларга қарамадан ўқтар бўлмаган, яъни пневматик қурулга ноқонуний эгалик қилиш, уйда сақлаш, кўча-кўйда олиб юриш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги кунда ҳам ку-затилмоқда. Жумладан, 2023 йилда пневматик қуруллар билан боғлиқ 5 та ноҳус ҳолат содир этилган ва бунинг оқибатида 4 нафар фуқаро жароҳатлан-ган, 1 нафар фуқаро эса ҳалок бўлган.

Амалдаги қонунчиликга қўра фуқаро ўз ихтиёри билан пневматик қурулни олиб келиб топширса ҳам ушбу қурул мусодара қилиниб, фуқароларга база-вий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш ба-раваридан ўттиз бараваригача, мансаб-дор шахсларга эса — йигирма беш ба-раваридан эллик бараваригача даража-да жазима солишга ёки ўн беш сутка-гача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлиши мумкин.

Ваҳоланки, Жиноят кодексининг 248-моддасида жамоат ҳавфсизлиги даражаси анча юқоригор бўлган ўқтар қурулни ўз ихтиёри билан топширган шахс жавобгарликдан озод қилиниши кўзда тутилган.

Юқоридаги муаммоларни инобатга олган ҳолда ҳамда қайд этилган ҳуқуқий

бўшлиқни бартараф этиш мақсадида қонунчиликда пневматик, сигнал берув-чи, тигли совуқ, улоқтириш қурули ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш қурули каби ўқтар бўлмаган қурул турларини ўз их-тиёри билан топширган шахслар жа-вобгарликдан озод этилишини назарда тутувчи нормани мустаҳкамлаш зару-рияти юзага келмоқда.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 220'-модда-сига шахсни ўзининг қонунга хилоф эга-лигида бўлган пневматик, сигнал бе-рувчи, тигли совуқ, улоқтириш қурули ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш қурулини их-тиёрий равишда топширганда маъму-рий жавобгарликдан озод этиш имко-ниятини назарда тутувчи қўшимча ки-ритилмоқда.

Таъкидланганидек, ушбу қонун фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний ман-фаатлари янада ишончи ҳимоя қили-нишини таъминлашга, шунингдек, жа-моат тартибини сақлаш ва ўқтар бўлмаган қурул турларининг қонунга хилоф муомаласи ҳолларининг олдини олиш бўйича қўрилаётган чора-тадбир-лар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Муҳокамадан сўнг қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Олий Мажлис Сенатининг эллик ик-кинчи ялпи мажлисида сенаторлар то-монидан "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Қонун билан Ўй-жой кодексига, "Тад-биркорлик фаолияти эркинлигининг ка-фолатлари тўғрисида"ги ва "Ер участ-каларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонунларга ҳамда Шаҳарсозлик кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек, Ўй-жой кодексига ту-рарўйларнинг ташқи кўринишини ўзгариштириш, уларни қайта қуриш ёки бузиш шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун-чиликка мувофиқ амалга оширилиши белгиланмоқда.

Қонунда ҳусусий мулкка бўлган ҳуқуқлар дахлсизлигининг ҳамда тад-биркорлик субъектлари манфаатлари-нинг ишончи ҳимоя қилинишини таъ-минлаш назарда тутилган бўлиб, унда ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда ўй-жойидан маҳрум этили-ши мумкин эмас.

Ўй-жойдан маҳрум қилинган мулк-дорга ўй-жойнинг қиймати ҳамда у қўрган зарарларнинг ўрни қонунда на-зарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қоп-лашни таъминланиши белгиланмоқда.

Маълумки, иқлим ўзгариши оқиб-атида йилдан-йилга сел келиши ва кўчки билан боғлиқ ҳавфли жараёнлар тобо-ра фаолилашиб бормоқда.

Шу нуктаи назардан сел ва кўчки билан боғлиқ ноҳус ҳолатларнинг ол-дини олиш, аҳоли ҳаёти ҳавфсизли-гини таъминлаш, қўриладиган иқтисод-ий зарар миқдорини камайтириш мақсадида Шаҳарсозлик кодексига сел ва кўчки ҳавфи мавжуд бўлган ҳудудларда бинолар ва ишоотларни лойиҳалаштириш ҳамда қуришда ша-ҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чи-қиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш та-қиқланиши белгиланган янги норма киритилмоқда.

Шу билан бирга, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунга Ўзбекистон Рес-публикасида давлат рўйхатидан ўтган тадбиркорлик субъектлари товарлари, хизматлари, меҳнат ресурслари ва мо-лиявий маблағларининг эркин ҳаракат-ланиши кафолатланиши, шунингдек, ҳудудий принцип бўйича эркин ҳаракатланишини келтириб, тўқтатиб туриш-га ва тақиқлашга йўл қўйилмаслигини назарда тутувчи янги норма акс этти-рилмоқда.

Сенаторлар мазкур қонун ҳусусий мулкнинг ва мулкдорлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши кафолатларини ку-чайтиришга, тадбиркорлик фаолиятини эркин амалга ошириш учун қўшимча кафолатлар ҳамда шарт-шароитлар яратишга хизмат қилиниши қайд этилди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар томонидан "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун муҳокама қилинди.

ташкил этиш ва ўтказиш бўйича янги лицензияланган фаолият тури жор-ий қилинмоқда. Бунда ушбу лицензия Дин ишлари бўйича қўмита томонида берилиши ҳамда ушбу лицензияни олиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари даражасида дав-лат божи белгиланмоқда.

Мазкур қонун билан амалга ошири-лиши учун рухсат ва тегишли ҳужжат-ларни талаб этидиган фаолият турлари қаторига Давлат харидлари электрон тизими оператори фаолиятини амалга оширганлик учун ҳам рухсатнома олиш қўшимча сифатида киритилмоқда.

Бундан ташқари, лицензиялаш, рух-сат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ҳуқуқбузарлик-лар учун юридик шахсларга солинадиган жарималар қаторига қўшимчалар киритилмоқда.

Эндликда "Умра" тадбирларини ли-цензиясиз амалга ошириш ёки лицен-зияларни қалбаки ҳужжатлардан фой-даланган ҳолда олиш базавий ҳисоб-лаш миқдорининг 200 бараварида жа-римга сабаб бўлади.

Сенаторларнинг фикрича, қонуннинг қабул қилиниши юрдошларимизнинг эркин муқаддас амалларини эмин-эр-мин ва ҳавфсиз бажаришига, бу борада ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатла-нишига, турли фирибгарликларнинг олди олинishi, энг муҳими, мазкур жараёнда ҳар бир фуқаро давлат ҳимоясида бўлишига хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра ялпи мажлисда "Саноат на-муналарини ҳалқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Гаага битимининг Женева актига (Женева, 1999 йил 2 июль) Ўзе-бекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида"ги қонун кўриб чиқилди.

Муҳокама чоғида Гаага битими-нинг Женева акти ўз маҳсулотлари-ни, биринчи навбатда, ташқи бозор-ларда илгари суришдан манфаатдор бўлган субъектларга саноат намуна-ларини рўйхатдан ўтказишнинг амалдаги миллий тизимларга нисба-тан қулайроқ тартиб-таомилдан фойдаланиш имконини бериши таъ-кидланди.

Хусусан, бугунги кунда мамлақати-мизнинг ишлаб чиқарувчиси саноат намунаси интеллектуал мулк ҳимоя-сини олиш учун бир қатор мамлақат-ларда тегишли идорага ушбу мамла-катдаги шакл бўйича ва тилда ариза беришга мажбур бўлаётгани, ҳар бир мамлакатда ушбу тартиб-таомил учун ҳар сафар алоҳида ҳақ тўлаётгани ай-тиб ўтилди.

Гаага битимининг Женева акти мил-лий ишлаб чиқарувчиларга барча тар-тиб-таомиллар бажарилиши ва ҳуж-жатлар тарқатилишини ўз зиммасига оладиган Бугунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотига (БИМТ) битта ариза бе-риш имконини яратди.

Ҳозирги вақтда 70 та давлат, шу жумладан, МДҲнинг аксарият мамла-катлари Гаага битимининг Женева акти иштирокчилари ҳисобланган.

Қонуннинг қабул қилиниши миллий ишлаб чиқарувчиларнинг интеллектуал мулк ҳимоясини қўчайтириш, шунинг-дек, янги маҳсулотлар яратишда улар-нинг жавобгарлигини ошириш ва ишлаб чиқаришда патентланган объект-лардан ноқонуний фойдаланишга йўл қўймаслик имконини беради.

Бундан ташқари, мазкур ҳалқаро ҳуж-жатга қўшилиш мамлакатимизнинг Жа-ҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлади.

Қонун Сенат томонидан маъқуллан-ди.

Шу билан бирга, ялпи мажлисда "Ижроичилар, фо

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ЭЛИК ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Таъкидланганидек, мамлакатимиз Президентининг 2024 йил 13 февралдаги "Қишлоқ хўжалиги ерлари деградациясига қарши курашиш, тупроқнинг гумус микдори ва унумдорлигини оширишни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 12 мартдаги "Йилловлар ва улардаги ер ости сувларини муҳофаза қилиш ҳамда йиллов деградациясига қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган.

Мазкур қарорлар доирасида сув таъминоти мавжуд бўлмаган ҳудудларда тик қудуқларни қазिश, қуёш энергиясида ишлайдиган насос агрегатлари ёрдамида ер ости сувларини чиқариш ҳамда томчилатиб сугориш технологияларини жорий этиш бўйича Бухоро ва Навоий вилоятларида намунавий тажриба лойиҳаларини амалга ошириш белгиланган.

Йиллов ерларда сув таъминотини яхшилаш ва қайта тиклашда давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, шунингдек, 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат аграр университети ҳамда Самарқанд давлат университетида "Йиллов экологияси ва бошқаруви" таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш режалаштирилган.

Йилловларда чорва моллари босими ни камайитириш ва уларни алмашлаб ўлгатишни оқилона тизимини йўлга қўйиш, деградацияга учраган йилловларни қайта тиклаш ҳамда улар маҳсулдорлигини оширишнинг энг мақбул усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш белгиланмоқда.

Нишон, Нурота, Нуробод, Форш ва Ғиждувон туманларидаги йилловларда икки йил муддатга чорва молларини алмашлаб боқиш амалиёти йўлга қўйилган.

Қишлоқ хўжалиги вазирилик ҳузуридаги Тупроқшунослик ва агрохимия тадқиқотлар институти ҳамда "Ўздаверлоийа" давлат илмий-лойиҳалаш институти томонидан ФАО, ИКАРДА, Саритас ҳамда АҚШнинг Невада штати "Йилловларни бошқариш жамияти" каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Сенаторлар олиб борилаётган ишлар билан бир қаторда, йиллов ерларидан самарали фойдаланиш, уларни назорат қилиш ва деградацияга қарши курашиш бўйича айрим ҳал этилиши лозим бўлган масалалар долзарблигича қолаётганлигини таъкидлади.

Жумладан, йиллов ерларини контурлар ва фойдаланувчилар кесимида тўлиқ хатловдан ўтказиш, 4 миллион гектардан ортиқ йилловда геоботаник тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда уларнинг электрон рақамли хариталарини ишлаб чиқиш зарур.

Сув иншоотларининг 2269 таси (78 фоизи) таъмирталаб ҳолатга келган. Бундан ташқари, йилловларнинг сув таъминотини яхшилаш ҳамда чорва молларини сув билан таъминлаш учун 700 дан ортиқ қудуқлар етишмаслиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, Бухоро чўл йиллов ўсимликлар уруғчилик илмий-ишлаб чиқариш марказини замонавий илмий лаборатория жиҳозлари ва ускуналар билан таъминлаш ишлари якунига етказилмаган.

Муҳокама жараёнида сенаторлар томонидан бугунги кунда мазкур соҳага оид ўзгаришлар ҳамда қонунчиликда белгиланган вазифаларни инобатга олиб, йилловларни бошқариш ва мониторинг қилиш ҳамда соҳага доир амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиш, шу жумладан, "Йилловлар тўғрисида"ги Қонунни қайта кўриб чиқиш лозимлиги қайд этилди.

Шунингдек, тегишли мутасаддиларнинг соҳада амалга ошираётган ишларини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш ҳамда уларга қўмақлашиш, худудларга етук мутахассислар, олимлар ва тадқиқотчиларни жалб этиб, уларнинг тавсиялари асосида ишларни йўлга қўйиш бўйича тақрирлар берилди.

Муҳокама якунида Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шу билан бирга, ялпи мажлисда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директорининг Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларда риоя қилинишининг ҳолати тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

2023 йил умумхалқ референдумида Ўзбекистоннинг янгиланган Конституцияси қабул қилиниши билан инсон ҳуқуқларини илғор халқаро стандартлар асосида ҳимоялаш механизмларини такомиллаштиришнинг янги қонунчилик асослари яратилгани таъкидланди.

Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссия этиб қайта ташкил қилинди ва ушбу масалалар бўйича Миллий маърузачи институти яратилди. Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни самарали амалга ошириш мақсадида 2023 йилнинг ўзида ногиронлиги бўлган одамлар учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган Президентнинг 2 та Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 3 та қарори қабул қилинди.

Ўзбекистоннинг БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон таълим дастури ишидаги иштироки фаоллашди. Мамлакатимиз Президентининг 2023 йил 7 февралдаги қарори билан Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастури тасдиқланди.

"Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун қучга кирди. Ушбу ҳужжат хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга нисбатан ғайриқонуний ҳаракатлар, шунингдек, оилавий зўравонлик учун жавобгарлик нормаларини қучайтириш борасидаги ишларни янги босқичга кўтарди.

Шу билан бирга, мажлисда ўтказилган ўрганишлардан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни жорий этиш самарадорлиги билан боғлиқ қатор масалалар белгилаб олинди.

Жумладан, сенаторлар фуқароларнинг экологик ҳуқуқлари таъминланишидан, айниқса, мамлакатимиз пойтахтидаги вазиятдан хавотир билдирди.

Бундан ташқари, турли шаклдаги зўравонликдан болаларни ҳимоя қилиш механизмидаги такомиллаштириш, бу борада ота-оналар, таълим муассасалари ва ҳокимият бошқа органларнинг маъсулиятини ошириш зарурлиги қайд этилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш борасидаги "Йўл харитаси"да белгиланган қатор қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш кечиктирилаётгани айтиб ўтилди.

Ҳар томонлама муҳокама якунлари бўйича Сенат қарори қабул қилинди. Унга кўра, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини сўзсиз бажариш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда иш олиб бориш режалаштирилган.

Бундан ташқари, Сенатнинг эллик иккинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2023 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Қайд этилганидек, Марказий банк 2023 йилда инфляцияни жиловлаш ҳамда банк тизимининг молиявий барқарорлигини мақбул даражада таъминлаш, вужудга келиши мумкин бўлган халқароликлар банклар капитали ва ликвидлигига салбий таъсирларини минималлаштиришга йўналтирилган ўзаро мувофиқлашган пул-кредит ва макропроденциал сиёсат олиб борди.

Хусусан, тижорат банкларидаги миллий валютадаги депозитлар қолдиги 2022 йилдагига нисбатан 1,3 баробар ошиб, қарийб 170 триллион сўмини ташкил этди.

Жисмоний шахсларнинг депозитлари қолдиги 1,4 баробар ўсиб, 64 триллион сўмга, юридик шахсларнинг депозитлари қолдиги 1,2 баробардан кўпроқ ошиб, қарийб 106 триллион сўмга етди.

2023 йилнинг I чорагидан бошлаб инфляция даражасининг пасайиш тенденциясига ўтганлиги сабабли 2023 йил март ойидан асосий ставка 15 фоиздан 14 фоизга пасайтирилди.

Пул-кредит соҳасидаги ушбу чора-тадбирлар инфляция даражасининг

юқори суръатларда ўсишини жиловлаш имконини бериб, 2023 йил якунлари бўйича инфляция даражаси 8,8 фоиз атрофида шаклланди.

Макропроденциал чоралар натижа-сида 2023 йил якунлари бўйича банк тизимида регулятив капитал микдори 106 триллион сўми ва таваккалчиликка тортилган активлар 604 триллион сўми, капитал етариллиги кўрсаткичи 17,5 фоизни (минимал талаб 13 фоиз) ташкил этди.

Хисобот йилида тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларида 251,4 триллион сўм ёки 2022 йилдагига нисбатан 24 фоиз кўп кредит маблағлари йўналтирилиб, жами кредит қўйилмалари қолдиги қарийб 497 триллион сўмга етди.

Аҳолига ажратилган кредит қўйилмалари қолдиги 2022 йилдагига нисбатан 47 фоиз кўпайиб, 148,2 триллион сўми, тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредит қўйилмалари қолдиги 15,3 фоиз ўсиб 348,5 триллион сўми ташкил этди.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида тижорат банклари томонидан 472 мингдан ортиқ лойиҳаларни амалга оширишга 10 триллион сўмга яқин имтиёзли кредитлар ажратилди.

Хисобот йилида банклар томонидан активлар бўйича 13,1 триллион сўмлик қўшимча захиралар яратилган ҳамда муаммоли кредитларни захиралар билан қоплаш даражаси 4 фоиз бандига ошиб, 2024 йил 1 январь ҳолатига 85 фоизга етказилди.

Банк карталари фойдаланувчилари учун "Humo" ва "Uzcard" банкоматлар тармоғи ўзаро интеграция қилиниб, мазкур банкоматлардан муқоаб фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратилди.

Шу билан бирга, сенаторлар Марказий банк томонидан амалга оширилиши лозим бўлган қатор вазифаларга эътибор қаратиб, фуқароларнинг банк карталаридан турли фибрибарлик йўллари билан маблағларни ўзлаштириш ҳолатларига барҳам берилмаганлиги, "Humo" ва "Uzcard" тўлов терминаллари тизимини интеграция қилиш ишлари якунланмаганлиги, муаммоли

кредитларнинг умумий кредит портфелидаги улуши деярли ўтган йилги даражада сақланиб қолаётганлигини қайд этилди.

Марказий банкнинг 2024 йилги фаолиятида базавий инфляция даражасини пасайтириш чораларини кўриш, нархлар барқарорлигини таъминлаш, тўлов тизимлари барқарор ишлашини таъминлаш ва хизматлар кўламини кенгайтириб бориш ҳамда пул маблағлари фибрибарлик йўли билан ечилишининг олдини олишга қаратилган киберхавфсизлик чораларини қучайтириш борасида ишларни амалга ошириш бўйича тақрирлар билдирилди.

Муҳокамадан сўнг сенаторларнинг тақрифлари муҳасамманган Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шунингдек, сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгариштирилган киритиш масаласи ҳам кўриб чиқилди ва Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Унга асосан Жуманазор Эргашев ўн йиллик мuddатга, Маъмуржон Кадров мuddатсиз даврга, Дилшод Ражабов мuddатсиз даврга, Носиржон Русулов ўн йиллик мuddатга, Бурхон Турдиев ўн йиллик мuddатга, Аскарали Умматалиев ўн йиллик мuddатга, Гулнафис Худайбердиева ўн йиллик мuddатга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига сайланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенга-шининг қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ялпи мажлисда сенаторлар томонидан жамият ҳаётининг барча соҳаси ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга ва мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самарадорлигини оширишга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган 18 та масала, шу жумладан, 13 та қонун муҳокама қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик иккинчи ялпи мажлиси якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.

ҲУҚУҚИЙ АСОС МУСТАҲКАМЛАНАДИ, ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИ ОШАДИ



Куни кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг эллик иккинчи ялпи мажлисида жамият ҳаётининг барча йўналиши ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ҳамда юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самарадорлигини ошириш ва халқаро ҳамкорликни қучайтиришга қаратилган 18 та масала, шу жумладан, 13 та қонун кўриб чиқилди.

Сенаторлар улардан айримларининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида қуйидагича фикр билдирди.

Фикр

Баҳолаш фаолиятидаги муаммоларга қонуний ечим

Илҳом ҚУРБОНОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Айтиш жоизки, сўнгги йилларда юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, суд-экспертлик ва баҳолаш фаолиятини ривожлантириш борасида дадил қадамлар ташланди. Натижада халқаро рейтинглар ва индекслардаги кўрсаткичларимиз сезиларли даражада яхшиланди.

Аммо баҳолаш фаолияти билан боғлиқ муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, суд экспертлари ҳамда баҳоловчи ташкилотлар учун умумий баҳолаш қондаси ва тартиблари белги-ланмаган бўлиб, бу амалда муайян қийинчилик ва муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Ялпи мажлисда сенаторлар томонидан кўрилган "Баҳолаш фаолияти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгариш киритиш тўғрисида"ги қонун ана шу муаммоларга ечим сифатида ишлаб чиқилган.

Қонуннинг янгиликлари борасида қуйида-гиларни келтириш мумкин:

Авалло, баҳоловчиларнинг суд ва тергов органларида шартнома асосида эксперт сифатида жалб этилиши мумкинлиги белгилаб қўйилмоқда. Амалда эса баҳоловчилар суд ва тергов органларида фақатгина шартнома асо-сида мутахассис сифатида жалб қилиниши мумкинлиги кўзда тутилган. Янги қонунда жорий этилган, суд ва тергов органларида қўшимча кўлайликлар яратилди ва соҳада ра-қобат муҳити қордоп татди.

Яна бир янгилик — "Суд экспертизаси тўғрисида"ги Қонунда баҳоловчилар баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларида қўлланган усул-лар илмий жиҳатдан асосланганлиги нуқтаи назаридан ўтказилмаган суд экспертизаси

камида уч йиллик стажга эга суд экспертла-ри томонидан ўтказилиши мумкинлиги кўзда тутилганлигини таъкидлади.

Қолаверса, текширишларни ўтказишда суд эксперти хулосасига қўйилган талаблар ва те-гишли соҳадаги қонунчилик ҳужжатларига амал қилиниши қайд этилмоқда.

Спортдаги коррупциявий ҳолатларга барҳам берилади

Арзикул СОАТОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Ўзбекистонда спорт соҳасига қаратила-ётган улкан эътибор бугун қандайд самара бе-раётганлигини барчамиз кўриб турибмиз. Амалга оширилган ислохотлар, яратилган шарт-шароит ва имкониятлар натижа-сида Олимпия, жаҳон ва қитъа чемпионатлари-да, халқаро турнирларда спортчиларимизнинг ютуқлари торабра кўпайиб бормоқда. Бокс, шах-мат, футбол, дзюдо, таэквондо, оғир атлетика, кураш, қиличбозлик, гимнастика спорт турлари, энгил атлетика каби йўналишларда юксак натижаларга эришмоқда.

Бироқ хатарли бир иллат борки, у бошқа соҳалар қаторида спортимиз ривожига ҳам халақит бермоқда. Бу — коррупция иллати-дир. Агар унга қарши изчиллик билан кураш-мас эканмиз, у нафақат соҳани орқага торта-ди, балки бутунлай издан чиқариб юбориши ҳам мумкин. Негаки, спорт соҳасидаги кор-рупция ҳолатлари, биринчи навбатда, ёш ҳамда иқтидорли спортчиларда, энди кириб келаётган ҳаваскорларда бор иштиёқни йўқотиб ва пировардида адолат ҳамда қонун устуворлигига бўлган ишончни сусайтиради.

Сенаторлар томонидан маъқулланган "Спорт соҳасида коррупциянинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Жи-ноят кодексига қўшимчалар киритиш тўғри-сида"ги қонун ана шу иллатга барҳам бериш мақсадида ишлаб чиқилган.

Унга кўра жавобгарлик чораларини аниқ белгилаш, спортчи, тренер ва ҳакамлар, спорт федерациялари (уюшмалари) ёки спорт му-

собақаларининг бошқа иштирокчи ва ташки-лотчиларида қонунга итоаткорлик ҳамда жа-вобгарлик хисси тўлақонли шаклланишига эришиш, спортчиларнинг келишилган ўйин-ларда қатнашиш ҳолатига чек қўйиш, мазкур тоифадаги ҳуқуқбузарликларни фож этиш ва жа-зо муқаррарлигини таъминлаш мақсадида Жиноят кодексига тегишли қўшимчалар ки-ритилмоқда.

Биринчидан, спорт мусобақалари иштирок-чи ва ташкилотчиларининг қонунга хилоф ра-вишда моддий қимматликлар олиши ёки мулк-ий манфаатдор бўлиши билан боғлиқ қили-миш учун жавобгарлик белгилаб, янги прим-модда киритилмоқда.

Иккинчидан, спорт мусобақалари иштирок-чилари ва ташкилотчиларини пора эвазига оғдириб олганлик учун янги киритилган 214-моддага асосан жавобгарлик назарда тутилмоқда.

Агар моддий қимматликлар берган ёки мулк-ий манфаатдор этган шахсга нисбатан мод-дий қимматликлар ёки мулкий манфаат сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка ичида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин қўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.

Йилловларни асраб-авайлаш — долзарб вазифа

Баҳодир ТОЖИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув

хўжалиги масалалари қўмитаси раиси: — Глобал иқлим ўзгаришлари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ўта долзарб масалаларни олдимизга қўймоқда. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва яхшилаш, дегра-дация жараёнларининг олдини олиш ҳамда улар оқибатларига қарши курашиш бўйича кенг кўламли илмий-амалий ишлар олиб бо-рилаётир. Хусусан, қишлоқ хўжалиги ерлари-нинг мелиоратив ва экологик ҳолати яхши-

ланмоқда, ресурсларни тежайдиган техноло-гиялар жорий этилмоқда, экинларни ўғитла-шни илғор тизимлари ишлаб чиқилиб, ор-ганик деҳқончилик учун экологик тоза тупроқ шароитлари яратилмоқда.

Бироқ йилловлар ҳолатининг бузилиши ва уларда юзага келаётган инқироз чорва мол-лари озуқа базасига, озиқ-овқат хавфсизли-гига ҳамда экологияга жиддий таъсир қўра-моқда. Шу боис ўтган ялпи мажлисларда бу соҳада юзага келаётган муаммолар ва улар-нинг ечимига қаратилган тадбирларнинг амал-га оширилиши юзасидан Ҳукуматга парламент сўрови юборилган эди.

Ялпи мажлис давомида мазкур парламент сўровига Ҳукумат томонидан берилган жавоб атрофлича кўриб чиқилди.

Айтиш жоизки, ушбу йўналиш бўйича қўллаб ишлар қилинган. Масалан, Ҳукуматнинг тегиш-ли қарорлари доирасида 2024 йил сув таъми-ноти мавжуд бўлмаган ҳудудларда тик қуду-қларни қазиш, қуёш энергиясида ишлайдиган насос агрегатлари ёрдамида ер ости сувла-рини чиқариш ҳамда томчилатиб сугориш те-хнологияларини жорий этиш бўйича Бухоро ва Навоий вилоятларида намунавий тажриба лойиҳаларини амалга ошириш белгиланган.

Сўнгги йилларда "Ўздаверлоийа" давлат илмий-лойиҳалаш институти томонидан 17 млн. гектарга яқин йилловларда геоботаник тадқиқотлар ўтказилган. Айни чоғда худудлар-да йиллов турларини инобатга олган ҳолда улардан фойдаланиш ҳамда чорва молларини ўлгатиш нормалари ва мuddатлари ишлаб чиқилган бўлиб, Нишон, Нурота, Нуробод, Форш ва Ғиждувон туманларидаги йилловлар-да икки йил мuddатга чорва молларини алмашлаб боқиш амалиёти йўлга қўйилган.

Яна қўллаб ишлар бажарилиган, аммо муаммолар ҳам йўқ эмас. Таҳлил натижаси парламент сўровида кўрсатиб ўтилган айрим масалалар ҳамон дол-зарблигича қолаётганини тасдиқлади. Жойлар-да 4 млн. гектардан ортиқ йилловларда геоб-отаник тадқиқотлар якунига етказилмаган, қола-верса, уларнинг электрон рақамли харитала-рини ишлаб чиқиш зарур.

Худудларда сув иншоотларининг 2200 дан кўпи, яъни қарийб 80 фоизи таъмирталаб ҳолатга келган. Йилловларнинг сув таъмино-тини яхшилаш ҳамда чорва молларини сугориш учун 700 дан ортиқ қудуқлар етишмайди.

Шулардан келиб чиққан ҳолда "Йилловлар тўғрисида"ги Қонунни қайта кўриб чиқиш та-лаб этилаётганлигини ҳам таъкидлаш зарур.

Бу масала бундан кейин парламент назо-ратида бўлади. Зеро, йилловларни асраб-авай-лаш долзарб вазифадир.

ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИДА КИНОНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁС

Президенти-миз раҳбарлиги-да амалга оширилаётган тизимли ислохотлар нати-жасида миллий кино-миз қайта "уйғонди".

Буни биргина юқори са-вияли, замонавий, сифат-ли фильмлар пайдо бўлгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ай-ниқса, кино санаътининг раванкига қаратилган юксак эътибор туфайли миллий кинематография-даги ўзгаришлар бугун ўз самарасини бераётир. Масалан, 2021 йилда Ки-ночилар саройи мукам-мал таъмирланиб, ша-роитлари янгиланди. Катта-чиқик заллар, ёзги кино-театр ва хоналар замона-вий жиҳозланди. Бугун бу ерда жами 3 минг на-фар томошабинни қабул қилиш имкони мавжуд.

Яқинда давлатимиз раҳбари Киночилар са-ройига бориб, Ўзбеки-стон кино санаъати музе-ини кўздан кечирди. Му-зей 1972 йилда ташкил этилган бўлиб, илгари музей-архив сифатида фаолият юритган. Унда эллик мингдан ортиқ та-рихий буюм, либос, расм ва кинотасмалар бор.

Эндликда музей Ки-ночилар саройига қўчи-рилиб, кўргазмага қўйилди. Биринчи қават ўзбек ки-носининг тарихи ва асо-счилари, сўнгги йилларда-ги ютуқларига бағишлан-ган. Иккинчи қаватда та-рихий фильмлардаги ли-бослар, атоқли кино-ижодкорлар ҳаёти ва фаолияти ақс этирилган. Аҳамиятисини, кино кўриш истагида келган борки, ушбу тарих билан тани-шиб ўтати.

Бу ерда режиссёр ва актёрлар, киношунослар, соҳа мутасаддилари би-лан бўлиб ўтган мулоқот чоғида Президентимиз

ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Тирик тарих" туркумидаги фильмлар лойиҳаси тақдимот қи-линди.

Бу 2024 — 2030 йил-ларга мўлжалланган стра-тегик дастур бўлиб, энг қадимий ўтмишимиздан тортиб, яқин тарихимиз-гача бўлган жуда катта даврни камраб олади. Яратилган фильмлар-нинг мавзуси кенг ва ранг-баранг.

Айтиш жоизки, кино соҳасига қадам қўйган иходдор борки, теварак-атрофни диққат билан ку-затиб, ундан рағбат ту-ҳатлар, бадий тимсол ва характерлар топиш, ҳеч қим билмаган, эшитмаган воқеалар асосида қизи-қарли, м

ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ — МУҲОКАМАЛАР МАРКАЗИДА

Ўзбекистон — Малайзия: МУНОСАБАТЛАРДА ЯНГИ САҲИФА

Фракция йиғилишида "Давлат мулкни бошқариш соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Тақлиф этилаётган мазкур қонун лойиҳаси билан давлат мулкни гаровга қўйиш, баҳолаш ва оммавий савдоларга чиқариш, давлат мулк объектларини "ноль" харид қиймати бўйича реализация этиш тартибини бекор қилиш назарда тутилмоқда. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг хомийлик сарфларидан ҳаракатларини, қимматли қозғалар бозорини тартибга солиш билан боғлиқ нормалар ҳам белги-ланяпти.

Муҳокама давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасининг аҳамиятига тўхналиб, унда назарда тутилаётган айрим нормалар бўйича партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, ўз фикрлари, тақлиф ҳамда тавсияларини билдирди. Лойиҳа юзасидан кўтарилган савдоларга қонун ташаббускорлари томонидан батафсил жавоблар олинди.

Депутатлар қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

Шаффофликни таъминлаш — асосий омил

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси йиғилишида "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси қиз-гин муҳокама этилди.

Маълум қилинганидек, жамоатчилик фикридан келиб чиқиб ишлаб чиқилган ушбу қонун лойиҳасида бир қатор янгиликлар акс этмоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини электрон-онлайн аукцион савдолари орқали ижарага бериш, ижарага олинган ерларга бўлган ижара ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш ҳамда улар гаровга қўйилган ҳолда гаров мажбурияти бажарилмаганда мазкур ерлар-ни кредиторлар томонидан аукционга чиқаришга рўхсат бериш назарда тутилган.

Муҳокамада сўзга чиққан фракция аъзо-лари қонун лойиҳасининг муҳим жиҳатла-рига эътибор қаратди. Қишлоқ хўжалиги ерларини ижарага беришда шаффофликни таъминлаш, ерларни бозор активига ай-лантириш ҳамда соҳага инвестиция кир-итишда кўзда тутилаётган ўзгартиришлар долзарб аҳамият касб этиши алоҳида таъ-кидланди. Айни чоғда қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга оид тақлиф ва тавсиялар илгари сурилди.

Фракция йиғилишида, шунингдек, Мак-табгача ва мактаб таълими вазирининг би-ринчи ўринбосари, Мактабгача таълим агентлиги директори Агрипина Шинга мак-

табгача таълим ташкилотларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, замо-навий таълим дастурлари ва технология-ларни татбиқ этиш бўйича амалга ошири-лаётган чора-тадбирлар тўғрисида куйи па-латанинг парламент сўровини юбориш ма-саласи кўриб чиқилди.

Ушбу йўналишда мамлакатимизда муай-ян ишлар амалга оширилаётгани қайд этил-ди. Бироқ Қонунчилик палатаси депутатла-рининг сайлов округларидаги учрашувлари-да мазкур таълим ташкилотларига мето-дик ёрдам бериш, соҳага замонавий таъ-лим дастурлари ва технологияларини тат-биқ этиш, айниқса, малакали педагог кадрларни жалб қилиш борасида қатор муаммолар мавжудлиги аниқлангани айтиб ўтилди.

Шулардан келиб чиқиб, Мактабгача ва мактаб таълими вазирининг биринчи ўрин-босари, Мактабгача таълим агентлиги ди-ректорига парламент сўрови юбориш ма-саласи депутатлар томонидан қўллаб-қув-ватланди.

Давлат мулкни бошқариш соҳаси такомиллаштирилади

Ўзбекистон "Адолат" социал-дем-ократик партияси фракцияси йиғилишида "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Маълум қилинганидек, мазкур қонун лойиҳаси билан "Аҳоли бандлиги тўғриси-да"ги Қонунга "давлат бошқаруви органи-лари" тшунчаси "республика ижро этувчи ҳокимият органилари" тшунчасига алмаш-тирилишини, шунингдек, оилавий (маиший) зўравонликдан жабрланган шахслар аҳоли-нинг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тои-фасига киритилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Муҳокама давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасининг аҳамиятига алоҳида тўхналиб, уни янада такомиллаштириш, пишиқ-пuxта ҳолатга келтириш ва мароми-га етказиш бўйича ўз мулоҳазалари, тақ-лиф ва тавсияларини билдирди.

Фракция аъзоларининг фикрича, қонун лойиҳаси аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлашти-риш бўйича қўшимча қафолатларни таъмин-лашга, шунингдек, қонун ҳужжатларини қўллаш амалиётидаги қарама-қаршиликлар-нинг олдини олишга хизмат қилади.

Йиғилишда, шу билан бирга, "Давлат мулкни бошқариш соҳаси такомиллашти-рилиши муносабати билан Ўзбекистон Рес-публикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғри-сида"ги қонун лойиҳаси қизгин мунозара-ларга сабаб бўлди. Хусусан, депутатлар-нинг қонун лойиҳасининг биринчи модда-сида назарда тутилаётган янгиликлар бўйи-ча аниқлаштирувчи савдолари юзасидан

қонун ташаббускорлари тшунтиришлар бериб ўтди. Уларнинг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат мулк-ини бошқариш соҳасини такомиллашти-риш ҳамда махсус ваколатли органнинг ва-колатлари ва устувор йўналишларини бел-гилаш орқали хусусий мулкчиликни кен-гайтиришга хизмат қилади.

Савол-жавоблардан сўнг депутатлар то-монидан берилган тақлифлар эътиборга олинган ҳолда, хар иккала қонун лойиҳаси ҳам қўллаб-қувватланди.

Аҳоли ижтимоий ҳимояси янада кучайтирилади

Ўзбекистон Халқ демократик партия-си фракцияси аъзолари "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар ва қўшимча кир-итиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини муҳо-кама қилди.

Мазкур лойиҳа билан аҳолининг ижтимо-ий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жой-лаштириш бўйича қўшимча қафолатлар ола-диган шахслар тоифасига умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотлари, касб-хунар мактаблари, коллежлар ҳамда тех-никумларни тамомлаб, касбга эга бўлган ёшлар билан бирга, эндиликда оилавий (маиший) зўравонликдан жабрланган шахслар ҳам кириши назарда тутилмоқда.

Депутатлар ушбу ҳужжатнинг муҳимли-гини, партия электорати манфаатларига хизмат қилишини таъкидлаган ҳолда қонун лойиҳаси аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштириш бўйича қўшимча қафолатларни таъминлашга, қонунчилик ҳужжатларини қўллаш амалиё-тидаги қарама-қаршиликларнинг олдини олишга қаратилгани билан аҳамиятли экан-лигини алоҳида қайд этдилар. Муҳокама-дан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзола-ри томонидан қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда, шунингдек, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б. Муса-евга "Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳ-нат миграцияси тизимини жорий этиш ҳамда меҳнат миграциясидан қайтиб кел-ган шахсларни реинтеграция қилиш бора-сида амалга оширилаётган ишлар тўғри-сида" Қонунчилик палатасининг парламен-т сўровини юбориш ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Кун тартибидоги ушбу масала депутат-лар томонидан атрофлича муҳокама қили-ниб, яқдиллик билан қўллаб-қувватланди.

Ер участкаларини ижарага беришда янги тартиб

Ўзбекистон Экологик партияси фрак-цияси йиғилишида дастлаб "Қишлоқ хўжа-лигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибининг такомиллашти-рилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатла-рига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидлаб ўтилганидек, айни пайтда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар-га бўлган ижара ҳуқуқини бошқа шахс-ларга ўтказиш қонун билан тақиқланган-лиги ижарачи ҳамда сармоядорларга ер участкасига киритган инвестиция ўрнини қоплаш имкониятларини чеклаб қўймоқ-да. Мазкур қонун лойиҳаси билан эса юқоридаги муаммоларни қонун доираси-да ҳал қилиш кўзда тутилган. Хусусан, лойиҳа билан Ер кодексидаги, "Ижара тўғри-сида"ги, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонун лойиҳасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини электрон он-лайн-аукцион савдо натижалари асосида ижарага берилиши тўғрисидаги норма акс эттириляпти. Бундан ташқари, қишлоқ хўжа-лигига мўлжалланган ер участкаларини бўй-ича ижарачиларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбурият-ларини бошқа шахсга ўтказиши, яъни қайта ижарага рўхсат берилишини белгилаш тақлиф этилмоқда. Қолаверса, агросаноат кластерларига ер участкаларини Вазирлар Маҳкамаси томонидан тўғридан-тўғри ижарага бериш тартиби бекор қилинаётди.

Фракция аъзоси Равшан Бегматов сўз олиб, қонунчиликка киритилиши тақлиф этилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар ердан самарали фойдаланишни тарғиб қилиб келаётган Экологик партия аъзоларининг дастурий гоғларига мос келишини қайд этди. Депутатнинг фикрича, қонун лойиҳа-сининг қабул қилиниши қишлоқ хўжалиги ерларини бозор активига айлантириш им-кониятини кенгайтириб, соҳага йўналишти-радиган инвестициялар ҳажмини оширади.

Шунингдек, йиғилишда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Б. Зокировка ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларини чиқариб юбориш соҳа-сида амалга оширилаётган ишлар юза-сидан юборилган парламент сўровига келиб тушган қўшимча жавоби ҳам кўриб чиқилди. Куйи палатанинг шу йил 30 ап-релида ўтказилган ялли мажлисида ва-зирнинг ёзма жавобини муҳокама қилиш жараёнида парламент сўровида қўйил-ган савдоларга етарли даражада тшун-тириш берилмагани қайд этилиб, сўров-га қўшимча жавоб бериш вазифаси юк-латилган эди.

Фракция аъзолари қўшимча жавобда махсус лабораторияларда ичимлик суви-нинг сифати тўлиқ таҳлил этилиши, ис-теъмолчиларга масофадан маълумот уза-тувчи замонавий сув ҳисоблагичларни ўрнатили-ши ҳамда ҳисоблагичлардан узатилади-ган маълумотларни қабул қилиш тизи-ми яратилиши бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотлар ба-тафсил келтирилганини эътироф этдилар.

Йиғилишда кун тартибига киритилган ма-салалар юзасидан тақлифлар берилди ҳамда тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ЖАҲОНГА ГУЛ ТУТАР БУГУН НАМАНГАН

Уларнинг ҳар бири ўзига хос мавзу, ўзига хос мазмунга эга — шаҳар ёки туман, алоҳида бир муассаса-нинг фаолият йўналиши таби-ат нематлари ёрдамида мо-хирона шакллантирилган. Бог-

ийлиқ фестивалнинг ўзига хос жиҳатларидан. Айтиш мумкин-ки, Қирғизистон, Корея Рес-публикаси, Озарбайжон, Хитой, Хиндистон вакиллари бозорга майдончалардаги манзаралар дўст давлатлар халқларининг

лан келдик. Шаҳарнинг гўзал манзаралари, жозибадор бог ва хиёбонлар кўзини қувонтира-ди. Табиатан гулларни хуш кўрувчи онам бу ерда гулчи-лар тажрибаси билан текиндан танишган бўлса, ўзим телеви-



нинг киривериш қисмида дунё-нинг "етти мўъжизаси" қури-ниши, айниқса, эътиборни тортади. Хиндистонда бобу-рийлар томонидан қурдирил-ган Тожмаҳал макбараси, Миср пирамидалари, Париж-даги Эйфел минораси ва бошқа иншоотларнинг кичик нусхаларини томоша қилар экансиз, ўзингизни айни тари-хий манзилларга бориб қол-гандек ҳис этасиз.

Бобур номидаги истироҳат боғидан маҳаллий гулчилар қатори хорижий иштирокчилар-га ҳам ўрин ажратилгани бу

миллий анъаналари, она таби-атга бўлган меҳр-муҳаббатидан далolat беради. Гуллар фестивалига ташриф бурувчилар қамрови йилдан-йилга ортаётди. Дастлабки маълумотларга кўра, илк қун-данок бу кўрсаткич 700 минг-дан кўпроқни ташкил этган. Уларнинг 40 мингга яқини хо-рижий сайёҳлардир.

— Ушбу фестивални Қирғи-зистонда ҳам яхши билишади, — дейди Ўш шаҳридаги "Tumedia" сайти мухбири Нар-гиза Анорбой қизи. — Бу ерда онам ва турмуш ўртоғим би-

дение ҳамда сайтимиз учун маълумот ва тасвирлар олдим. Фестиваль меҳмонларининг кўпчилиги бу ерга нафақат байрам томошаларидан баҳра-манд бўлиш, балки ноёб гул-лардан харид қилиш мақсади-да ҳам ташриф буюрган. Ушбу мақсадда ташкил этилган бо-зорчада юздан кўпроқ гулчи-лар ўз расталарини очган.

— Хар йили ўтказиладиган бу фестивални биз ҳам орзи-қиб кутамиз, — дейди Анди-жоннинг Шаҳрихон туманидан келган Хусниддин Холматов. — Чунки хонадонимиздаги 2,5 со-



тих иссиқхонада парваришлаётган юздан ортиқ турдаги гул кўчатларининг қатта қисмини байрам қунлари сотувга чиқа-ради. Улар орасида хориждан олиб келиниб, маҳаллийлашти-рилган ноёб навлар ҳам анча-гина. Масалан, кейинги пайт-да Хитойнинг "Аукария", "Драссена" сингари гулларни иқлимимизга мослаштирдик. Гулчиликдан топаётган даро-мадимиз ҳам чакки эмас — йилга 200 миллион сўмдан кўпроқни ташкил қилади.

Халқаро гуллар фестивали-нинг бу гагли мавсуми қирқ кун давом этади. Кеча "Ипак йўли бўйлаб туризм тармоқларини яратиш" мавзусидаги илк

халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда бугунги кунда На-манганда сайёҳлик объектла-ри сони 139 тага етиб, кейин-ги олти йилда уч баробар ўса-ни алоҳида қайд этилди. Ол-динда гуллар, хунармандлар, модalar кўргазмаси, турли танловлар, қадимий ўйналар-дан тортиб, таниқли эстрада хонандаларининг чиқаришлар-га бўлган кўнгилочар дастури-лар турибди.

Ишонамизки, гуллар фести-вали анжуманга келган ҳар бир кишига шуқуҳли лаҳзаларни тақдим қилади.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ («Халқ сўзи»).

Низран НУРДИН, Малайзия Ислom туризми маркази бош директори:

— Мамлакатларимизни та-риҳий ва маданий алоқалар, баркирелик, хилмаҳиллик ва меҳмондўстлик анъанала-ри каби азалий ва умум-башари ришталар боғлаб туради. Бугунги кунда туризм Ўзбекистон — Малайзия ўрта-сидаги ҳамкорликнинг стра-тегик йўналишларидан бири-дир. Уйлаётганимиз, Бош ва-зир Анвар Иброҳимнинг Ўзбеки-стонга расмий ташрифи ислom туризмининг етакчи йўналиш-лари сифатида илгари суриш бўйича ҳамкорлигимизга яна-да туртки беради.

Утган йили Самарқанд шаҳрида имзоланган Ўзбеки-стон ва Малайзия ҳуқуматла-ри ўртасида туризм соҳаси-даги ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумни амалий маз-мун билан тўлдирди бўйича ўзбекистонлик ҳамкорлар ва Ўзбекистон элчихонаси билан муҳокама қилдик ҳамда аниқ вазифаларни белгилаб олдик. Бизнинг яқин истиқболдаги режаларимиздан туризм соҳаси вакилларининг ўзаро ташрифлари, қўшма тренин-глар, шунингдек, муслмонлар учун қулай туризм стандарт-ларини жорий этиш бўйича илғор тажриба алмашиш ўрин олган.

"Uzbekistan Airways" АЖ ва "Batik Air Malaysia" авиаком-панияси томонидан йўлга қўйилган Тошкент ва Куала-Анвар Иброҳимнинг Ўзбеки-стонга расмий ташрифи ислom туризмининг етакчи йўналиш-лари сифатида илгари суриш бўйича ҳамкорлигимизга яна-да туртки беради.

Утган йили Самарқанд шаҳрида имзоланган Ўзбеки-стон ва Малайзия ҳуқуматла-ри ўртасида туризм соҳаси-даги ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумни амалий маз-мун билан тўлдирди бўйича ўзбекистонлик ҳамкорлар ва Ўзбекистон элчихонаси билан муҳокама қилдик ҳамда аниқ вазифаларни белгилаб олдик. Бизнинг яқин истиқболдаги режаларимиздан туризм соҳаси вакилларининг ўзаро ташрифлари, қўшма тренин-глар, шунингдек, муслмонлар учун қулай туризм стандарт-ларини жорий этиш бўйича илғор тажриба алмашиш ўрин олган.

"Uzbekistan Airways" АЖ ва "Batik Air Malaysia" авиаком-панияси томонидан йўлга қўйилган Тошкент ва Куала-Анвар Иброҳимнинг Ўзбеки-стонга расмий ташрифи ислom туризмининг етакчи йўналиш-лари сифатида илгари суриш бўйича ҳамкорлигимизга яна-да туртки беради.

«Дунё» АА.

Ашхободда очилган Махтумқули Фироғий номидаги маданият ва истироҳат боғида Алишер Навоий ҳайкали ўрнатилди.

<p>Халқ сўзи Народное слово</p>	<p>Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ</p> <p>2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 14 275 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.</p>	<p>Таҳририятга келган кўләмлар тақриб қилинмайди ва мустақилга қайтарилмайди.</p> <p>Газетанинг тақриб берилиши учун обунани расмийлаштириш таъкилот жавобгар.</p> <p>Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.</p> <p>Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" навириёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.</p>	<p>• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислom Каримов кўчаси, 55-уй.</p> <p>Навбатчи муҳаррир — А. Шерназаров. Босмахона — Ш. Машраббоев.</p>
<p>МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши</p>	<p>ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.</p>	<p>Газетанинг маълумотларини оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.</p> <p>ISSN 2010-4788</p>	<p>"Шарқ" навириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.15 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6</p>